

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ НОРМАТИВ ҚИЙМАТИНИ ҲИСОБЛАШДА БАЛЛ БОНИТЕТИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Шукурбеков И. Б.

“Ўздаверлойиха” ДИЛИ

таянч докторанти

Аннотация

Қишлоқ хўжалиги ерларида самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер солиғи ставкаларини белгилашда, ер учун ижара ҳақи миқдорларини аниқлашда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликларини режалаштиришда, ипотекани ривожлантиришда, атроф-мухит экологиясини барқарорлаштиришда, умуман олганда, ердан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ерларнинг норматив қийматини аниқлашда балл бонитетини ўрни билан боғлиқ бўлган масалалар келтирилган.

Таянч сўзлар: Ер тузиш, норматив қиймат, ердан самарали фойдаланиш, балл бонитети, ер мониторинг, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар, ер солиғи, тупроқ бонитировкаси.

Аннотация

Были освещены вопросы об оценке нормативной стоимости земель сельскохозяйственного назначения Республики и эффективного использования этих земель.

Ключевые слова: Землеустройство, нормативная стоимость, эффективное использование земли, балл бонитет, мониторинг земель, сельскохозяйственные товаропроизводители, земельный налог, бонитировка почвы.

Annotation

The issues of assessing the standard value of agricultural lands in the Republic and the efficient use of these lands were covered.

Base words: agriculture, irrigated lands, monitoring, important, every year, economic, assessment, location, yield, general object, economy, land use.



Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ер турларидан бири - экин ерлари бўлиб, улар ичида суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалигида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ерларининг фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларига е-аукцион.уз платформаси орқали ер майдонларининг тақсимлаб берилиши ерга бўлган талабини кучайтираётганлиги муносабатларининг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда[4].

Ўзбекистон Республикасизда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларга катта эътибор берилади. Чунки мамлакатимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизидан ортиқроғи ана шу ерларда етиштирилади. Маълумки, турли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун, ерларнинг унумдорлиги турлича ананавий ёки ноананавий талаб қўйилади. Масалан, айрим ўсимликлар шўрхоқ муҳитда яхши ривожланса, айрим ўсимликлар эса кучсиз ишқорий муҳитда яхши ўсиб ҳосил беради. Шунинг учун ҳам, суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улурнинг норматив қиймати экиладиган экинлари, сув билан таъминланганлиги, тупроқ балл бонитетига қараб маълум бир ўсимлик тури ёки гуруҳлари ҳамда уларнинг бозордаги йиллик ўртача нархларига қараб баҳоланади.

Ўзбекистонда суғориладиган ерлар норматив қийматини асосан тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланганлигига қараб асосий қишлоқ хўжалик экинлари яни ғўза(пахта), ғалла, боғзор, узумзор, сабзавот, полиз, картошка экинлари экилганига қараб ҳамда ушбу маҳсулотларнинг деҳқон бозорлардаги йиллик ўртача нархларининг статистик маълумотларига қараб баҳоланади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ҳисоблашда Тупроқ унумдорлиги балл бонитетининг кенг маънода тупроқларнинг барча хосса ва хусусиятлари, шунингдек шу жойнинг экологик шароити таъсирининг йиғиндисиди сифатида намоён бўлади.

Суғориладиган ерларнинг норматив қийматини ҳисоблашда балл бонитетининг аҳамияти 100 баллгача бўлган шкалаларда амалга оширилади. Мисол учун айтайлик ердан фойдаланувчининг балл бонитети паст яни 41 балл булса 1 гектар ер майдонига сабзавот экинлари экилганда Оқолтин тумани мисолида 1 гектар ер майдонига 55 762 минг сўм норматив қиймат ҳисобланади унинг 0,95 % ер солиғи 530 минг сўмни ташкил қилади. Ҳудди шундай ҳолат яни 75 балл булса 1 гектар ер майдонига худди шу каби сабзавот



экинлари экилганда 1 гектар ер майдонига 204 078 минг сўм норматив қиймат ҳисобланади унинг 0,95 % ер солиғи 1 939 минг сўмни ташкил этади. агарда бир контурда 2-3 ҳилдан иборат балл бонитет мавжуд бўлса унинг ўртача бали ҳисоблаб чиқилади, шу асосида унга норматив қиймат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ерларнинг балл бонитети норматив қийматларни ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Экин турлари	Қ.х экинлари экилган майдон	Балл	Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг фойда нормаси	Хосилдорлик	Статистиканинг нархлари	Норматив хосилдорлик ц/га	Норматив унумдорлик минг.сўм	Умумий норматив қиймат	Жами	Минтақавий коэффициент	Сўғориш коэффициенти	Захарли кимёвий дориларни қўллаш чекланган ҳудудлар улуши	Фонз 5%	Меъёрий баҳоси жами ((10*11*12*13)/14*100	0,95 % ер солиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Сабзавот	1	41	28,26	3	802,1	123	9865,83	2788,08							
жамм	1,00							2788,08	2788,1	1	1	1	5	55761,7	529,7

1-жадвал. 1 гектар сўғориладиган экин ер майдонларига **41** балл бўйича ҳисоблаб чиқилган норматив қийматнинг жадвалдаги кўриниши.

Экин турлари	Қ.х экинлари экилган майдон	Балл	Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг фойда нормаси	Хосилдорлик	Статистиканинг нархлари	Норматив хосилдорлик ц/га	Норматив унумдорлик минг.сўм	Умумий норматив қиймат	Жами	Минтақавий коэффициент	Сўғориш коэффициенти	Захарли кимёвий дориларни қўллаш чекланган ҳудудлар улуши	Фонз 5%	Меъёрий баҳоси жами ((10*11*12*13)/14*100	0,95 % ер солиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Сабзавот	1	71	56,54	3	802,1	225	18047,25	10203,9							
жамм	1,00							10203,9	10203,9	1	1	1	5	204078,3	1938,7

2-жадвал. 1 гектар сўғориладиган экин ер майдонларига **71** балл бўйича ҳисоблаб чиқилган норматив қийматнинг жадвалдаги кўриниши.

Оқолтин туманида сабзавот ҳамда полиз экинни балл бонитетлари юқори бўлган ерларга жойлаштириш иқтисодий самарадорликни таъминлайди, катта ҳажмдаги меҳнат ва маблағлар тежалади. Чунки ернинг унимдорлиги юқори бўлганлиги учун қишлоқ хўжалиги ерларда экинлар тез кунларда униб чиқишидан тортиб, вегетация даври, шунингдек пишиб етилишигача бўлган вақтда унимдор ерлар катта аҳамият эга.



Паст балли ерларга шўрга чидамли усимлик беда ҳисобланади, озуқабоп, дуккакли дон экинларини экиш яхши самара беради ҳамда тупроқ унумдорлиги ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини сифат жиҳатидан баҳолашнинг иқтисодий моҳияти: ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан оқилона, самарали ҳамда имкони борича тўлароқ фойдаланиш энг аввало, яъни биринчи галда унинг асосий ва муҳим хусусиятларини билиш, ўрганишга, шунингдек уларни ўз жойида қўллашга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тупроқлар сифатини баҳолашда уларнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари, хусусан, уларнинг генетик мансублиги, суғорилиш даври, маданийлашганлик даражаси, механик таркиби, шўрланиш даражаси, ювилиш даражаси, тупроқ ости қатламининг ҳолати, ер ости сувларининг сатҳи, эрозияга учраганлиги, гипсланганлик даражаси ва бошқаларни ҳисобга оламиз. Айнан шулар бизнинг массивдаги тупроқларнинг асосий хусусиятларини белгилайди.

Баҳолаш ишларини биз 100 баллик ёпиқ шкала бўйича ўтказамиз. Бундай шкала республиканинг суғориладиган ерларни бонитировкалаш учун ягона тарзда тузилган ва қабул қилинган бўлиб, унга асосан тупроқларнинг суғориш даври, маданийлашганлик даражаси ҳамда генетик мансублиги асосий кўрсаткичлар сифатида қабул қилинган[3].

Ушбу шкала қулай шароитдаги, яъни шўрланмаган ва эрозияга учраган, механик таркиби ва ер ости қатламининг сизот сувларини ўтказувчанлиги яхши бўлган тупроқларнинг сифати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Аммо, амалда учрайдиган тупроқларнинг хусусиятлари турличадир. Бизнинг массивда тарқалган тупроқларнинг хусусиятлари ҳам турличадир. Табиий унумдорликни пасайтирувчи турли-туман хусусиятларга эга бўлган тупроқларни баҳолашда олдиндан ишлаб чиқилган тузатма коэффициентлардан фойдаланамиз.

Хулоса қилиб айтганда туманда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ер майдонларини норматив қийматларини ҳисоблашда қишлоқ хўжалик харитасига ҳар бир ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари тушурилади, уларнинг ўртача балл бонитетни ҳисоблаб, ердан фойдаланувчиларнинг экилган экинлари, уларнинг йиллик ўртача бозор



нархлари ва бундан ташқари сув билан тامينланганлик даражаси бўйича алоҳида жадвал асосида ҳисоблаш ишларини амалга ошириш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Тошкент., Адолат, 1998 йил.
2. Ўзбекистон республикасининг солиқ кодекси (янги таҳрири) 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сон қарори. 2014 йил 18 август.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 18-январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-15-сонли қарори.
6. www.lex.uz.

